

**Фаргона вилояти Бешарик тумани
Бешарик «Турон савдо саноат комплекси»
Акциядорлик жамиятига
07.03.2023 йил**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект номи ва реквизитлари:

Бешарик «Турон савдо саноат комплекси» Акциядорлик жамияти.
Юридик манзил: Фаргона вилояти Бешарик тумани Бешарик шаҳри, Дустлик кўчаси
№1 уй, ҳисоб рақами 20208000904964937001 Бешарик ш. «Миллийбанк» Бешарик
филиали, МФО: 00885, СТИР: 302 245 358, Оконх: 71211


Аудиторлик ташкилоти номи ва реквизитлари:

«ИКТИДОР АУДИТ ИНФОРМ» МЧЖ аудиторлик ташкилоти.
Юридик манзил: Тошкент шаҳри. Кушбегим кучаси, 41-уй, ҳисоб рақами
20208000204708021001 ХАТБ «Даврбанк», МФО: 01046, СТИР: 206952776, ОКОНХ
84400, ОКЭД 69202: **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019**
йил 12-Апрелда берилган 00814-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият
курсатувчи барча ҳужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш»
ҳуқуқини берувчи лицензияга эга.
«IMKON-SUG'URTA» АЖ суғурта ташкилотининг 20.12.2022 йилги № 16-057/06186
жавобгарлик суғурта полиси

Мен, **«ИКТИДОР АУДИТ ИНФОРМ» МЧЖ** аудиторлик ташкилоти аудитори
Назиркулов Фахриддин Козимжонович (аудитор малака сертификати № 05553 Ўз.Р.
Молия вазирлиги томонидан 12 июль 2018 йилда берилган) томонидан (Аудиторлик
ташкилоти директори Назиркулов Фахриддин Козимжонович (аудитор малака
сертификати № 05553 Ўз.Р. Молия вазирлиги томонидан 12.07.2018 йилда берилган)
23.01.2023.й. №4-сонли шартномага асосан **Бешарик «Турон савдо саноат**
комплекси» Акциядорлик жамияти. (СТИР 302245358) йил 1-январдан 31
декабрь 2022 йил даври ҳолатига Бухгалтерия балансидан, Молиявий натижалар
тўғрисида ҳисоботдан, Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, Хусусий капитал
тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача
тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган
молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

Ҳўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни
Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний
тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, фирибгарлик ёки хато
туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни
тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш, ҳамда
бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг
тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун жавобгардир.



Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлокий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларни олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда аудитор вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш мақсадида, тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб исоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар Бешарик «Турон савдо саноат комплекси» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 1-январдан- 31-декабрь 2022 йилгача бўлган молиявий ҳолатини кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний акс эттирилган.

Бош директор



Ф.К.Назиркулов

Аудитор



Ф.К.Назиркулов

(2018 йил 12-июль N-05553 рақамли малака сертификати)

